

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Туризм хизматлари.  
Тоғ чанғиси трассалари. Таснифлаш тизими**

Расмий нашр

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва  
сертификатлаштириш агентлиги**

**Тошкент**

## Сўз боши

1 Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази” Давлат унитар корхонаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ва ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

2 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги)нинг 25.03.2020 йил 05-1142 - сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ.

3 Стандарт матнидаги 1-жадвал Россия Федерациясининг ГОСТ Р 55881:2016 «Туристские услуги. Общие требования к деятельности горнолыжных комплексов» миллий стандарти талаблари билан, 4-бўлим Франциянинг NF S 52-102 “Pistes de ski alpin balisage signalisation et information” (Тоғ чанғи трассалари кўрсаткичлари ва маълумотлар) стандарти талаблари билан уйғунлаштирилган.

## 4 ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

*Ушбу стандартни ва унинг ўзгартишларини Ўзбекистон ҳудудида жорий этиши (амалини бекор қилиши) ҳақидаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиши (ўзгартириши) ёки бекор қилиши ҳақидаги мувофиқ ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда чоп этилади.*

Ушбу стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи “Ўзстандарт” агентлигига тегишли.

## Мундарижа

1 Қўлланиш доираси.....	1
2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар.....	1
3 Атамалар ва таърифлар .....	1
4 Тоғ чанғи трассаларининг таснифланиши.....	2
А илова (мажбурий)	
Турли тоифадаги тоғ чанғи трассаларига доир талаблар.....	5



---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**


---

**Туризм хизматлари.  
Тоғ чанғиси трассалари. Таснифлаш тизими**

**Туристские услуги.  
Горнолыжные трассы. Система классификации**

**Tourism services. Ski slopes. Grading scheme**

---

**Жорий этиш санаси: 28.03.2020**

### **1 Қўлланиш доираси**

Ушбу стандарт тоғ чанғиси трассаларига тааллуқли ва тоғ чанғиси трассаларини таснифлаш тизимини белгилайди.

Ушбу стандарт, сертификатлаштириш органлари томонидан туристик хизматларни сертификатлаштириш мақсадида ва турли мулк шаклига эга корхоналар томонидан тоғ чанғиси трассалари хизматлари кўрсатилиши вақтида қўллаш учун мўлжалланган.

Ушбу стандарт тоғ чанғиси трассалари хавфсизлигига доир талабларни белгиламайди.

### **2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар**

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга норматив ҳаволалардан фойдаланилган:

O‘z DSt 3331:2018 Туризм хизматлари. Туризм соҳасида навигация тизимининг ахборот белгилари. Умумий талаблар.

O‘z DSt EN 13809:2019 (EN 13809:2003, IDT) Туризм хизматлари. Туроператорлар ва турагентлар. Атамашунослик.

O‘z DSt ISO 18513:2017 Туризм хизматлари. Мехмонхона ва туристларни жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари. Атамашунослик.

Изоҳ – Мазкур стандартдан фойдаланганда ҳавола қилинган стандартларнинг (таснифлагичларнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда эканлигини жорий йилнинг 1 январигача тузилган стандартлар (таснифлагичлар) кўрсаткичи бўйича ва жорий йилда чоп этилган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш зарур. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда мазкур стандартдан фойдаланганда алмаштирилган (ўзгартирилган) ҳужжатга амал қилиш керак. Агар ҳавола ҳужжати алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда бу ҳужжатга ҳавола берилган қонданинг ушбу ҳаволага даҳлсиз қисми қўлланилади.

### **3 Атамалар ва таърифлар**

Ушбу стандартда O‘z DSt ISO 18513 ва O‘z DSt EN 13809 стандартларида келтирилган атамалар, ҳамда куйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

**3.1 тоғ чанғиси трассаси:** Чанғи, сноуборд ва шунга ўхшаш анжомларда тушиш учун мўлжалланган, лойиҳа ҳужжатларига биноан белгиланган чегаралар ва компонентларга эга бўлган, тоғ қиялигида хавфсиз ва қулай туришни таъминлайдиган тоғ ёнбағридаги текис иншоот.

**3.2 тоғ чанғиси трассалари хизматлари:** Тоғ чанғиси трассаларида кўрсатиладиган хизматлар мажмуи.

**3.3 тоғ чанғиси трассаси қиялиги (трасса участкаси):** Қияликнинг даражалар ёки фоизлардаги бурчаги.

Изоҳ – Амалиётда трассанинг барча участкаларининг ўртача катталиги сифатида ўртача қияликни кўрсатиш қўлланилади.

**3.4 тоғ чанғиси трасса текислиги:** Тушишдан кейин тўхташ учун мўлжалланган трассанинг пастки горизонтал қисми.

**3.5 тоғ чанғиси трассанинг пасайиши:** Трассанинг умумий қиялигига нисбатан ошган тиккаликка эга бўлган трасса қисми.

**3.6 ўтказиш қуввати:** Тоғ ёнбағри трассалари, юккўтаргич, парк, туристик, альпинизм йўналишлари ва ҳоказонинг бир соат (кун, ҳафта, мавсум ва бошқалар) давомида туристларга маълум турдаги хизматларни тақдим этадиган қуввати.

**3.7 канат йўли:** Йўловчилар ва юкларни ўтказиш учун транспорт тури, унда вагонлар, вагонеткалар, кабиналар ёки ўриндиқларни ўтказиш учун таянч тирговучлари орасида вагонларни (кабина-гондолалар, ўриндиқлар, вагонеткаларни) ерга текказмайдиган қилиб тортилган, тортувчи ёки тутиб-тортувчи арқондан (трос) фойдаланилади.

**3.8 могул:** Дўнгликлар бўйлаб учиш. Шунингдек паст-баланд тоғ ёнбағрида (узунлиги 250 m гача) имкон борича аниқ тўғри чизик бўйлаб албатта иккита сакрашни амалга оширган ҳолда тоғ чанғисида эркин тушишни ўзида ифодалайдиган спорт тури.

**3.9 сноуборд:** Махсус жиҳозланган тахтада тоғ ёнбағридан қор устидан тушиш; баъзан сноуборд учун ажратилган тоғ ёнбағрларида алоҳида элементлар қурилади.

**3.10 халф-пайп:** Ёнлари кўтарилган тарновни эслатувчи сноубордчилар учун қурилма.

**3.11 денивеляция:** Шамол сувни ҳайдаши оқибатида сув юзасининг қийшайиши.

#### **4 Тоғ чанғиси трассаларининг таснифланиши**

4.1 Таснифлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мураккаблик даражасига қараб тоғ чанғиси трассаларининг тоифалар бўйича фарқланиши;

- истеъмолчига тоғ чанғиси трассасининг омилкор танловида ёрдам бериш, шунингдек тоғ чанғиси трассаси ва (ёки) мажмуасининг тоифаси тоифалаш натижаларига биноан тасдиқланганлиги ва норматив ҳужжатларда белгиланган мезонларга мувофиқлиги тўғрисида ишончли маълумотлар билан истеъмолчини таъминлаш;

- тоғ чанғиси трассалари ва мажмуалари томонидан тақдим этилаётган хизматлар объектив баҳоланганлигига мамлакат ва хорижий истеъмолчиларнинг ишончини мустаҳкамлаш ҳисобига кириш ва ички туризмдан туристик оқимнинг ошишига кўмаклашиш.

4.2 Тоғ чанғиси трассалари ранг билан белгиланади ва қуйидаги тоифалар бўйича таснифланади:

“яшил” – ўрганувчилар учун;

“кўк” – паст даражадаги мураккаблик;

“қизил” – ўрта даражадаги мураккаблик;

“қора” – юқори даражадаги мураккаблик.

4.2.1 Яшил трассалар – энг оддий трассалар. Бу трассаларда ўрганувчи чанғичи тўғри йўл бўйлаб тезликни деярли оширмасдан юриши мумкин. Қиялик каттароқ бўлган ҳолда - ҳатто бурилишни билмайдиган чанғичи ҳам албатта тўхтайдиган қарши қиялик бўлади. Айрим жойларда чанғилар сирпаниши учун таёқлар билан итариш лозим. Трассалар пухталиқ билан тайёрланган, дўнгликлар йўқ.

4.2.2 Кўк трассалар – ўрта даражадаги чанғичилар учун. Бундай трассаларда трассанинг айрим участкаларининг тиккалиги, ўзгарувчан рельеф ошади. Дўнгликлар ва қиялик рельефининг кескин тафовутларининг йўқлиги, ошиб борган тиккаликлар кўк трассалар бўйлаб тушишни қизиқарлироқ ва ранг-барангроқ қилади, кичик қияликли кетма-кет келадиган тўғри участкалар тезлик билан учишга имкон беради.

4.2.3 Қизил трассалар – юқори даражадаги чанғичилар учун. Трассаларнинг тиккалиги кўпроқ ошган, қиялама участкаларнинг йўқлиги ёки узун бўлмаган тикка жойлар бирикмалари билан тавсифланади, у ерда параллел чанғиларда тезликни пасайтиришга улгуриш мумкин бўлган кичик радиусдаги бурилишлардан етарлича яхши ўта олиш керак.

Тажрибали чанғичи қизил трассаларда тезликларнинг барча кўламида (катта ва кичик ёйлар билан) учиши мумкин. Трассалар яхши тайёрланган, учувчилар сони кўп бўлганлиги учун кун охирига келиб дўнгликлар юзага келиши мумкин. Табиий хусусиятлар туфайли (масалан, жуда қалин қор ёки тор жойлар) учиш тажрибаси кам бўлган чанғичиларга тавсия этилмайди. Бундай турдаги тушишлар кўпинча қизил пунктир чизик билан белгилаб қўйилади.

4.2.4 Қора трассалар – профессионал спортчилар учун махсус мураккабликдаги трассалар. Бу трассаларда дўнгликлари бўлган, тик қияликлар, тор жойлар, қиялиги ўзгарадиган кескин бурилишларгача бўлган мураккаб участкалар учрайди. Қизил трассадан ишонч билан ва тез ўта олмайдиган чанғичиларга қора трассага ўтиш тавсия этилмайди. Айрим жойларда учиш сакрашга ўтади. Схемаларда бундай тушишлар қора пунктир чизиклар билан белгилаб қўйилади. Бундан ташқари могул учун сунбий дўнгликлар, халф-пайп ва сноубордчилар учун трамплинлар ҳам бунга киради.

### 1-жадвал. Тоғ чанғи трассаларининг мураккаблиги бўйича тавсифлари

Трасса қияликларининг кўлами	Трассанинг тавсифлари	Ранг
3° – 9° (5 % дан 15 % гача)	Катта узунликдаги участкалардаги текис йўл, қарши қияликлари бўлмаган равон бурилишларга эга, дўнгликлар, чуқурликлар, кескин пасайишлар йўқ. Трасса текислигининг узунлиги – камида 10 m.	Яшил
10° – 15° (15 % дан 25 % гача)	Кескин пасайишлари бўлмаган ўзгарувчан рельеф, трассанинг бурилишлари ва пасайишлари равон ҳолда, эгри чизикли участкаларда катта ён томон қарши қияликлар ва кўриниш 60 m дан кўп бўлган “оқим ости” қияликларсиз. Трасса текислигининг узунлиги – камида 30 m.	Кўк
16° – 22° (25 % дан 40 % гача)	Ўзгарувчан рельеф, равон ва кескин бурилишлар ва трасса тушишларининг бирикмаси. Эгри чизикли участкаларда ён томони қарши қияликлар ва “оқим ости” қияликлар мавжуд. Эгри чизикли участкаларда тўғридан-тўғри кўриниш кўпи билан 60 m. Трасса текислигининг узунлиги – камида 50 m.	Қизил
> 22° (> 40 %)	Ўзгарувчан рельеф, трассанинг бурилишлари ва тушишлари турлича, радиус бўйича кескин бурилишларсиз, эгри чизикли участкаларда ён томон қарши қияликлар ва “оқим ости” қияликлари бўлиши мумкин. Эгри чизикли участкаларда тўғридан-тўғри кўриниш кўпи билан 80 m. Кенглик камида 40 m, тўғридан-тўғри кўриниш кўпи билан 120 m бўлган баъзи тўғри чизикли участкаларда кенглик 20 m гача бўлиши мумкин. Трасса текислигининг узунлиги – камида 80 m.	Қора
Изоҳ – Тоғ чанғи трассасининг мураккаблик тоифасини аниқлаш вақтида айрим участкаларда трасса қияликлари кўламларидан трасса қиялигининг ўртача қийматини 5 % кўламда ўзгартирмайдиган оғишга йўл қўйилади.		

4.4 Трассаларни тоифалаш талабларининг рўйхати А иловада келтирилган.

4.5 Тоғ чанғи трассаларининг маъмурияти жиҳозлар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва инвентарларда аниқланган носозликларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши керак.

4.6 Ахборот таъминоти, реклама ва бошқа мақсадларда тоғ чанғи трассалари тоифасидан фойдаланиш, белгиланган тартибда олинган мувофиқлик сертификатига биноан, унга берилган тегишли тоифа асосида амалга оширилиши керак.



**А илова**  
**(мажбурий)**  
**Турли тоифадаги тоғ чанғи трассаларига доир талаблар**

Талаблар		Тоифа			
		Яшил	Кўк	Қизил	Қора
<b>Трасса мураккаблиги ва тоғ участкасига етиб келиш</b>					
1	Ландшафт рельефи (осон, турли-туман, қиялик даражаси бўйича ўрта ва катта участкалар билан)	Осон	Осон (турли-туман)	Қиялик даражаси бўйича осон, ўрта ва кескин бўлмаган участкалар билан турли-туман	Қиялик даражаси бўйича осон, ўрта ва катта участкалар билан турли-туман
2	Трасса қиялигининг бурчаги (бўйлама ва кўндаланг қиялик), % да	5 % дан 15 % гача	15 % дан 25 % гача	25 % дан 40 % гача	40 % дан юқори
3	Трасса кенглиги	15 m дан 40 m гача	20 m дан 40 m гача	30 m дан 40 m гача	35 m дан 40 m гача
4	Участка профили	Тўхташ учун жойи бўлган равон бир текис қиялик	Бирдан иккинчисига ўтадиган, равон турли-туман қияликлар	Кескин чегараларсиз ва ён томон қияликларисиз турли-туман	Турли оғишлари ва қияликларнинг мос равишда кўшилган жойлари билан
5	Хавфли участкалар	Рухсат этилмайди	Йўл қўймаслик керак	Истисно тарзида рухсат этилади. Уларни албатта хавфсизлан-тириш керак	60 % дан юқори қиялик, ён томоннинг кескин қияликларига йўл қўймаслик лозим, уларни албатта хавфсизлан-тириш зарур
6	Қор қоплами (яхши	+	+	+	+

	ишлов берилган, очик қолган жойларсиз)				
7	Канат йўлининг бир соатда ўтказиш қуввати чанғи трассасининг ўтказиш қувватидан кам ёки унга тенг бўлиши керак	+	+	+	+
8	Иншоотлар ва чанғи трассасига бориш йўлини яхши ҳолатда сақланишини таъминлаш	+	+	+	+
9	Чанғи трассаларига мувофиқ бўлган хавфсизликнинг зарур даражаси билан сақланадиган, ишлов бериладиган чанғи йўллари	+	+	+	+
<b>Қутқарув хизматлари ва хавфсизлик чоралари</b>					
10	Трасса очик бўлган ҳолларда зарур жиҳозга эга бўлган ихтисослашган тоғдаги қутқарув жамоасининг мавжудлиги	+	+	+	+
11	Фавқулодда ҳолатларда туну-кун ёрдам кўрсатиш учун тоғдаги қутқарув хизмати бўлинмасининг ҳудудда мавжудлиги	+	+	+	+
12	Тиббий ёрдамнинг таъминланиши	+	+	+	+
13	Хавфсизлик хизмати билан таъминлаш	+	+	+	+
14	Мавжуд қор кўчкиси хавфига қор қопламини мунтазам	+	+	+	+

	кузатиш ва тадқиқ қилиш				
15	Трассани сақлаш учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш: қорга ишлов бериш учун барча зарур мосламалари бўлган шиббалайдиган ва транспорт машиналари	+	+	+	+
16	Трассага хизмат қиладиган канат йўлларининг иш вақтига кўра трассаларни ёпиш	+	+	+	+
17	Мусобақалар, машғулотлар ва бошқа тадбирлар ўтказилган ҳолларда трассаларни ёпиш	+	+	+	+
18	Махсус хавфли участкаларда қорнинг сунъий кўчиши учун чоралар кўриш	+	+	+	+
19	Об-ҳаво шароитлари ва қор кўчишининг мавжуд хавфларига қараб трассаларни ёпиш	+	+	+	+
20	Трассалар кесишадиган жойларни белгилаш	+	+	+	+
21	Хавфсизликнинг зарур даражаси бўлган каналар учун алоҳида трассалар, пиёдалар учун алоҳида йўлларнинг мавжудлиги	+	+ <sup>1)</sup>	—	—
<b>Канат йўллари<sup>2)</sup></b>					
22	Туристлар, хизмат кўрсатувчи	+	+	+	+

	ходимлар, бинолар ва иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш чоралари				
23	Хавфга: қор кўчиши, тошлар тушиши, кўчкилар, тошқинлар, момақалди роқли шамолларга дучор бўлмайдиган жойларда жойлашиш	+	+	+	+
24	Малакали хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мавжудлиги	+	+	+	+
25	Иншоотлар ва кўтариб турувчи конструкцияларнинг зарур даражадаги хавфсизлигини таъминлаш	+	+	+	+
26	Канат йўллари чанғи трассасини кесиб ўтадиган жойларда тўр билан ўраш ва матрацлар билан изоляциялаш йўли орқали канат йўлларининг зарур даражадаги хавфсизлигини таъминлаш	+	+	+	+
<b>Тўрлар, матрацлар ва устунлар билан таъминлаш <sup>2)</sup></b>					
27	Ўрганувчилар ва болалар чанғи мактаблари учун ўқув трассаларида	+	—	—	—
28	Ўрмон жойларида трассанинг торайган участкаларида	+	+	+	+
29	Чегарадан ташқарига чиқиш хавфи мавжуд бўлган трасса участкаларида	+	+	+	+

30	Трассалар орқали ўтиш тақиқланган участкаларда	+	+	+	+
31	Трассанинг хавфли участкаларини изоляция қилиш	+	+	+	+
<b>Ахборот таъминоти</b>					
32	Тоғ чанғи трассалари ва жамоат жойлари O'z DSt 3331 стандартига биноан туризм соҳасида навигация тизимининг ахборот белгилари билан жиҳозланади.	+	+	+	+
33	Канат йўлларида бор бўлган тўрлар тўғрисида	+	+	+	+
34	Трассада қўлланиладиган белгилар (белгиланишлар) тўғрисида	+	+	+	+
35	Стартнинг тоифаси, узунлиги, денгиз сатҳидан юқори жойлашиши ва денивеляция тўғрисида	+	+	+	+
36	Яқин орада жойлашган тиббий ёрдам пунктлари ва қутқарув хизматлари тўғрисида	+	+	+	+
37	Қор кўчиши ва бошқа табиий офатлар хавфи тўғрисида	+	+	+	+
38	Таклиф этиладиган хизматлар ва уларнинг жойлашган жойи тўғрисида	+	+	+	+

39	Ҳаво температураси тўғрисида	+	+	+	+
40	Шамол тезлиги тўғрисида	+	+	+	+
41	Ишламайдиган канат йўллари тўғрисида	+	+	+	+
42	Қор қатламининг қалинлиги тўғрисида	+	+	+	+
43	Ишламайдиган чанғи трассалари тўғрисида	+	+	+	+
44	Зарур телефон рақамлари	+	+	+	+
<b>Туризм хизматлари</b>					
45	Чанғи мактаби	+	+	+	+
46	Йўл бошловчи	+	+	+	+
47	Пуфлаб шишириладиган чаналар ёки қор чанасида учиш учун шароитлар	+	+	-	-
48	Ўрганувчилар учун трассанинг ўқув участкалари	+	-	-	-
49	Болалар чанғи мактаблари	+	-	-	-
<p>Изоҳлар:</p> <p>1) Енгил участкаларда рухсат этилади</p> <p>2) Тоғ чанғиси трассаларининг жиҳозлари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва инвентари белгиланган функционал талабларга мувофиқ бўлиши керак.</p>					

Муҳим сўзлар: тоғ чанғи трассаси, тоифа, қиялик, канат йўли, чанғичи